# СИҲАТ-САЛОМАТЛИК

*Шифокор огоҳлантиради*

## ЯНА ГРИПП ҲАҚИДА

Қишнинг совуқ кунларида аҳоли ўртасида асосан тумов, шамоллаш, грипп каби «қишки касалликлар» кўпаяди. Улар ичида энг хавфлиси гриппдир. У юқумли касаллик бўлиб, бемордан соғлом кишига дарров юқади. Асосан бемор йўталганда ва аксирганда хасталик вирусларини атрофга сўлак заррачалари орқали тарқатади. Касаллик одам кўп тўпланадиган жойларда, яъни трамвай, автобус, троллейбусларда, кинотеатрларда тез юқади. Шунингдек, у бемор фойдаланган буюмлар, масалан, дастрўмол, сочиқ, идиш-товоқ ва бошқа буюмлардан ҳам ўтиши мумкин.

Касаллик тўсатдан бошланади. Дастлаб беморнинг эти увишади, лоҳас бўлиб, ҳолсизланади. Баъзан грипп йўталсиз ва юқори ҳароратсиз ўтиши мумкин, бироқ бунда беморнинг умумий аҳволи оғир бўлиши эҳтимол. Беморга тиббий ёрдам кўрсатганда оғиз ва бурунга тўрт қават докадан қилинган ниқоб тутиб олиш, ниқобни ҳар 4-5 соатда алмаштириб туриш, қайнатиб ювиш ва дазмоллаш керак. Бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиб, полни хлорли сув билан артиб туриш зарур. Ўзингизга ҳам озодалик асосий мезон бўлиши шарт.

Грипп билан оғриган бемор бор оилага ёш болаларнинг киришига рухсат этилмайди. Касалликнинг илк аломатлари пайдо бўлганда болаларни боғчага ва мактабга юбормаган маъқул. Танани чиниқтириш грипп билан касалланишнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бунда соф ҳавода кўпроқ бўлиш, спорт билан шуғулланиш, ҳар куни эрталаб жисмоний ҳаракатлар қилиш, баданни ҳўл сочиқ билан артиб туриш лозим.

Назира БАҲРОМОВА,
*шаҳар Саломатлик марказининг бош шифокори.*

*Олимлар тажрибахонасида*

## ХЛАМИДИОЗ ҚАНДАЙ ХАСТАЛИК?

***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Биоорганик кимё институтининг фармакология тажрибахонаси илмий ходимлари янги бактерия қўзғатувчи касалликни даволаш устида тадқиқотлар олиб боришди. Тажрибахонанинг етакчи илмий ходими, профессор, Беруний номли Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори Санжар Носиров билан қилган суҳбатимиз ана шу хасталик хусусида бўлди.***

**— Хасталик қўзғатувчи бактерия нима эканини ҳақида қисқача тушунча берсангиз.**

— «Хламидия» деб аталувчи янги бактериялар хламидиоз хасталигини келтириб чиқаради. Бу микроорганизмлар икки оилага — «Хламидиоз пситтакоз» ҳамда «Хламидиоз трахоматоз»га бўлинади. Уларнинг биринчиси сут эмизувчилар, қушлар ва денгиз жониворларида учраса, иккинчиси одамларда хасталик қўзғайди. Хламидиоз трахоматоз юқумли бўлиб, асосан трахома, паратрахома, венерик лимфогранулема, урогенитал, яъни пешоб йўлининг пастки қисми хламидиози хасталикларини пайдо қилади. Бундан ташқари аёллар тухумдони хламидиози касаллиги ҳам ана шу хламидия сабабли бошланади. Хламидия бактериялари турли-туман бўлиб, ҳар бири ўзига хос маълум хасталикни қўзғайди. Улар, табиийки: юқиш услуби билан ҳам ўзаро фарқ қилади. Бу микроорганизмлар ташқи муҳитда яшайди, одамлар ўртасида эса жинсий алоқа, ўзаро гаплашганда сўлак воситасида, бемор фойдаланган буюмлар орқали юқиши мумкин. Улар тўқималарда яхшигина кўпайиб, хламидиоз хасталигини пайдо қилади.

**— Одам ўзига хламидиоз касаллигини юқтириб олганини қандай билиши мумкин?**

— Одам ўзида бу хасталик пайдо бўлганини дарҳол била қолмайди. Чунки хламидиоз кўп ҳолларда ўз аломатларини намоён қилавермайди. Лекин одамда хламидиознинг паратрахома тури бошлангани тезда билинади. Хасталик қўзғатувчи бактериялар кўзга ифлос қўл орқали киради. Касаллик катталарда бўлгани каби болаларда ҳам учраб туради. Бунда аксарият ҳолларда битта кўз касалланади. Кўздан ёш оқа бошлайди, кўз билан қабоқ орасидаги тирқишдан йирингли суюқлик чиқиши кузатилади. Шох томирлар шакли ўзгариши мумкин. Кейинчалик сўрилиб кетадиган кўз пардаси ҳосил бўлиш эҳтимоли бор. Хасталик 2-3 ҳафтадан 2-3 ойгача чўзилиши мумкин. Ўрни келганда айтиб ўтишим жоизки, бу касаллик янги туғилган чақалоқларда ҳам учраб туради. Бунда унга онадан юқади.

**— Бугунги кунда хламидиоз хасталигини даволашда тиббиёт, тўғрироғи, фан қандай имкониятларга эга?**

— Ҳар қандай дардга чалинган одам аввало шифокорга мурожаат қилиши зарур, албатта. Шундай бўлса ҳам айтишим лозимки, бугунги кунда тажрибахонамизда «Гозалидон» номли янги дори ишлаб чиқилди. У хламидиознинг энг кўп тарқалган тури-урогенитал хламидиозни даволашда яхши самара беради. Бу хасталик бугунги кунда дунё миқёсида 500 миллиондан 1 миллиардгача одамда учрайди. Жумладан 15 ёшгача бўлган ўсмирларнинг 10 фоизи, фаол жинсий алоқада бўлувчи эркакларнинг 25 фоизи, таносил хасталиги бор эркакларнинг 60 фоизи, аёлларнинг 50-70 фоизи ва фоҳишаларнинг 80 фоизи ана шу дарддан азият чекади. Биз ишлаб чиққан «Гозалидон» препарати урогенитал аъзолардаги хасталик қўзғатувчи хламидия бактерияларини қириб ташлайди. У хабдори шаклида чиқарилади. Биз юқорида қайд этган кўз хламидиози, яъни паратрахомани даволашда тетрациклин, окситетрациклин (террамицин) ва унинг ярим сунъий маҳсули бўлмиш доксициклин, эритромицин, сульфатпиридазин дорилари кенг қўлланилади.

**— Хламидия бактериялари ташқи муҳитда яшайди, дедингиз. Улардан зарарланиб қолиш хавфи қай даражада?**

— Хламидия нисбатан ташқи таъсирга ўта чидамли бўлиб, атроф-муҳитда 2-3 кунгача яшаши мумкин, хлорланмаган ичимлик сувида эса 5 кунгача яшай олади. Шунга кўра бошқа юқумли хасталиклар сингари хламидиоз ҳам тозаликка риоя қилмаган инсон танасини забт этиши мумкин. Ана шунинг учун ҳам бугунги кунда хламидиоз хасталигига чалиниш ҳоллари миқдор жиҳатидан ўсиб кетган. Аммо бу борада беморга ташхис қўйиш, даволаш ишларига кўпинча тўғри ёндошилмаётганини ҳам таъкидлашим жоиз. Бунинг асосий сабабларидан бири хламидия бактериялари ҳақида тиббиёт ходимларининг тўла хабардор эмаслиги бўлиб, шунинг оқибатида хламидиоз хасталиги бошқа хасталиклар билан чалкаштириб юборилаётир. Масалан, аёлларда пайдо бўлган урогенитал хламидиоз жинсий аъзоларнинг шамоллаши ёки яллиғланиши билан чалкаштирилади. Ва оқибатда даволаш ишлари ҳеч қандай самара бермайди. Шунга кўра тиббиётимизнинг бугунги долзарб масалалари қаторида хламидиознинг қайси тури бўлишидан қатъи назар уни аниқлаш ва даволаш ишларига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаш лозим.

Суҳбатдош
Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

*Янги томошалар*

## САҲНАГА ТЎКИЛГАН МЕҲР

***Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрнинг ижодий жамоаси «Девона» драмасини саҳнага қўйди. Асар муаллифи ва саҳналаштирувчи режиссёр шу пайтгача маҳоратли актёр сифатида танилган Рустам Маъдиевдир. Бугунги куннинг долзарб масаласи кўтарилган мазкур томошани театр муҳлислари яхши кутиб олдилар.***

...Қоронғу саҳна. Оғир мусиқа янграйди. Чақалоқнинг узоқ давом этган йиғиси эшитилади. Ғира-ширада, кўзлари ўйнаган, ҳовлиққан Ориф девона пайдо бўлади. У саҳнанинг у ёғидан — бу ёғига ғайрича ҳаракатда югура бошлайди. Қаҳ-қаҳ отиб тўхтовсиз кулади: «Во-ҳа-ҳа-ҳа! Қаранглар, дунёнинг корини қаранглар! Эй, телба дунё, бевафо фалак, турли-туман ўйинларингдан ўргилай. Қаранглар, анави қиз жар ёқасига чақалоғини ташлаб қочиб кетди. Чақалоқ! Наҳотки, она ўз туққан боласини ташлаб кетса-я?»

Ушбу лавҳани асарнинг рамзий муқаддимаси дейиш мумкин. Чунки шу саҳна томошабинни асар воқеаларини тушуниш ва идрок этишга тайёрлайди. Ориф девона (артист Насриддин Рустамов)нинг хатти -ҳаракатлари, сўзлари кишини ҳаяжонлантирмай қўймайди. Девона асарнинг бошидан охиригача иштирок этади. Унинг кечинмалари, баъзан меҳр, баъзан қаҳр билан айтган сўзлари спектаклга руҳан раҳнамолик қилади, Ориф девона ҳолатини ва ўтмишини, унинг тақдирини бефарқ, лоқайд кузатиш мумкин эмас. «Ориф нега девона?» деган савол туғилиши табиий.

Асар қаҳрамонларидан бири Зубайда холанинг Умидага айтишича Орифнинг ота-онаси ўқимишли одамлар эди. Ўзларига тўқ бой-бадавлат яшардилар. Орифнинг яхши кўрган қизи бор эди. Улар шунчалик бир-бировини яхши кўришарди-ки, маҳалла-кўй, таниш-билишлар бирам ҳавас қилишарди. Тўй қилишди. Жуда дабдабали тўй қилишди. Ҳаддан ташқари дабдабага бориш ҳам яхшиликка олиб келмас экан. Ориф бошқа шаҳарга ўқишга кетди. Шу орада бир ўғиллик бўлди. Аммо буларга кўз тегди, буларнинг хонадонига ҳасад билан қарайдиганлар кўпайди. Орифнинг бир яшар ўғилчасини ўғирлашиб, қайтариб бериш учун эвазига катта пул талаб қилишган. Уч кун деганда ярим кечаси уйининг гир атрофига бензин сепиб, ўт қўйиб кетишган. Унинг ота-онаси ҳам, жон-дилидан севган меҳрибон хотини ҳам, данғиллама уй-жойи ҳам бир кечада куйиб кул бўлди. Ориф бу ҳолни кўриб телба бўлиб қолган. Бола ҳам топилмади, жиноятчилар ҳам...»

...Томошабинлар Ориф девонанинг мудҳиш ўтмиши билан қисман танишади. Артист Насриддин Рустамов девонанинг ана шу ҳолатини ишонарли беролган. Ориф девона образи унинг учун масъулиятли роль. Айни пайтда ушбу образ Насриддин Рустамовни кўпчиликка катта ижодий кашфиётларга қодир санъаткор сифатида ҳам танитди.

Асар марказида турувчи савдогар аёл Жамила образини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наима Пўлатова талқин этган. У ёшлигида бебошлик қилган, ўзини боса олмаган, нопок йўлларга қадам қўйган. Аёлнинг инсоф ва адолат, эзгулик ва ёвузлик, нафсу таъма ҳақидаги фикрлари, савдогар аёлларга хос ҳаракатлари ўз турмуш ўртоғига қилган муомаласи, актёр хатти-ҳаракатлари, сўзлари ишонарли чиққан.

Мана у ўз ўтмишини, ўзининг аччиқ тақдирини бир ўкинч билан эслайди: «Дур, гавҳарлар, ялтироқ кийимлар, мол-дунё гирдобига чўккан, ўз дилбандини улоқтирган инсон қиёфасидаги бир гумроҳингни ўзинг кечиргин, худойим. Қиз бола эди. Эҳтимол ҳозир ҳаётдир. Кап-катта қиз бўлиб қолгандир. Онаси борлигини билармикан? Қизим, мен сени ташламоқчи эмасдим. Тўғри, шармандаликдан қўрқдим, сени жар ёқасига қўйдим. Бироз фурсат ўтгач яна чидолмай қайтиб бордим. Лекин сен йўқ экансан. Кейинчалик ҳеч кимга билдирмай барча болалар уйидан сени суриштирдим, лекин тополмадим. Сенинг оҳинг уряптими ҳамма мендан воз кечяпти. Мен сени топаман, қизим. Бор-йўғимни сарф қилиб бўлса ҳам топаман»..

Драмада Ориф девона характерини тўла очиб беришда бошқа иштирокчиларнинг, хусусан Зубайда (Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматова), Умида (актриса Мақсуда Отажонова), Ёдгор (артист Боир Холмирзаев), Даврон (артист Мирзоҳид Толипов), чол (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Файзулла Аҳмедов) муҳим роль ўйнаган. Улар асар мақсадини тўлиқ англашга ҳаракат қилганлар. Муҳими томошабин актёрларнинг матнни чуқур идрок этиб, унга эҳтиётлик билан ёндошаётганликларини сезиб туради. Асарда бир қатор томошабинни ларзага солувчи эпизодлар мавжудки, буни фақат спектаклни томоша қилган кишигина ҳис этади.

Саҳна безаги ҳақида гапирганда рассом (Собир Бекматов) давр руҳини ва воқеалар мазмунини акс эттиришга хизмат қилганини эътироф этиш керак. Албатта бу ўринда киши қалбини ларзага солувчи мусиқалар яратган бастакор Фарҳод Олимов ҳақида тўхталмай иложи йўқ.

Мулоҳазаларимиз сўнггида бу асарни янада тўлдиришга, мазмунини эркинроқ очишга хизмат қиладиган ўринлар хусусида тўхталмоқчимиз. Томошадаги яратилган образлар саҳна ижодкорларининг топилдиғи эмас, балки ҳаётимиздан айнан олинган кишилар қиёфасидир. Айниқса олимларимизнинг ҳикматли сўз ва байтларининг асар руҳига сингдириб юборилганлигини, томоша мазмунини муайян даражада бойитганини таъкидлаш керак. Бироқ асар катта, кенг қамровли бўлгани учунми, ҳамиша ҳам мазкур уйғунлик сақлаб қолинган деб бўлмайди.

Албатта, баъзи бир нуқсонлар бартараф этилиши аниқ. Чунки томоша устидаги ижодий изланиш давом этмоқда.

Маъмура РЎЗИЕВА.



*Бола бошидан, дейди халқимиз. Дарҳақиқат ҳар бир болада истеъдоднинг камол топиши унинг илк қизиқишидан бошланади. Худди шундай пайтда унга рағбат бериш, кўмаклашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.*

*СУРАТДА: Юнусобод туманидаги 415-боғчанинг мактабга тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Макнуна Саидова бу борада болаларнинг энг яқин маслаҳатчисидир.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Илм масканларида*

## САДАФДЕК ЯРҚИРАБ ТУРСА

Инсоннинг соғ-саломат бўлиб юришида, тановул қилган овқатларининг яхши ҳазм бўлишида тишларнинг нақадар катта аҳамияти борлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Чиндан ҳам инсондаги тишлар бир умрга садафдек ярқираб турса қандай яхши! Лекин барибир инсон ҳаёти давомида унинг танида бўладиган турли хил ўзгаришлар тишларга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу суратда тасвирланган оқ халатли саломатлигимиз посбонлари инсон тишларининг дуру гавҳардек ярқираб туришини ўйлайдиган, керак бўлиб қолганда оғриган тишларга даво берадиган шифокорлардир. 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти профессори, стоматология факультети ортодонтия курсининг раҳбари Аброр Абдуазимов ўқийдиган маърузаларни бўлажак талабалар жон қулоғи билан тинглашади, келгусида маҳоратли шифокор бўлиб етишиш сирларини ундан ўрганишади. Доцент Валентина Назарова ҳам шу курс машғулотларининг юксак савияда ўтиши учун доимо жонкуярлик қилади. Курс ассистенти Зайниддин Низомов ушбу илм масканида олган сабоқларини амалда қўллаб, энди ўзи ҳам талабаларга ўтиладиган курс машғулотларида фаоллик кўрсатмоқда. У фронтал тишларда бўладиган аномалиялар мавзуида илмий иш олиб бормоқда.

— Ортодонтия курсида қандай маъруза ва машғулотлар ўтказилади, деган саволимизга Зайниддин Низомов:

— Инсондаги, айниқса болалардаги қийшиқ тишларнинг келиб чиқиши, уларни даволаш бўйича маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказилади, — деб жавоб қайтарди.

Курс машғулотларида институт стоматология факультетининг 4 ва 5-курс талабалари маъруза тинглашади ва шу ерда амалий машғулотлар ўтказишади.

— Тиш оғриғи ҳам анча нохуш хасталик, — дейди курс ассистенти Зайниддин Низомов. — Айниқса у тунда кучаяди. Катталарку бир амаллаб оғриқ босилгунча тишларини тишларига қўйиб чидашар, лекин болалар-чи? Шу боисдан ҳам домламиз, профессор Аброр Абдуазимов ва доцент Валентина Назаровалар билан биргаликда боладикдан тишларни эҳтиёт қилишга, унинг умр бўйи садафдек бўлиб туриши учун нималарга эътибор бериш лозимлигига талабаларнинг эътиборини қаратамиз. Ҳозирги пайтда бизда Брекит жиҳози ёрдамида тишларни даволаш йўлга қўйилмоқда. У замонавий даволаш талабларига жавоб беради.

Маълумки, Яккасарой туманидаги 1-болалар стоматология поликлиникасида бу ерга даво излаб келган фарзандларга ҳар томонлама тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Институт стоматология факультети талабалари ана шу поликлиника негизида ўтказиладиган амалий машғулотларда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Бундан ташқари бўлғуси шифокорлар шу ерда болалар тишини даволайдилар.

Хуллас, институт стоматология факультети ортодонтия курсида ҳам маърузалар, ҳам даволаш ишлари бирга қўшиб олиб борилмоқда. Асосий эътибор келгусида малакали шифокорлар тайёрлаш, қолаверса инсонни тиш оғриғи дардидан халос этиш йўлида ибратли ишлар олиб борилмоқда.

Саид СОЛИЕВ.



***СУРАТДА:*** *профессор Аброр Абдуазимов, доцент Валентина Назарова ва ассистент Зайниддин Низомов бемор қизчага тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.*

*Сўраган эдингиз...*

## КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИ ПАСАЙГАНДА

***Учинчи синфда ўқийдиган фарзандимнинг кутилмаганда кўриш қобилияти сусайиб қолди. Шифокорга мурожаат қилган эдик, у болани текшириб кўриб, кўзойнак тақишни тавсия этди. Фарзандимнинг кўриш қобилияти пасайишига мактабдаги машғулотларнинг таъсири сабаб бўлиши мумкинми?***

***Комила БАРАТОВА,***
***Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси.***

Мактабдаги машғулотлар ўсаётган боланинг биринчи ўринда кўриш аъзоларига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Кўриш жараёни жуда мураккабдир. Бунда кўз анализаторининг аҳамияти катта. Кўз анализатори фақат кўздан иборат бўлмай, унинг мураккаб иши бош мия билан боғлиқдир. Анализатор бир-бирига тақалиб турган учта пардадан иборат.

Янги туғилган ва кичик ёшдаги болаларда кўзнинг нур сингдириш қобилияти кучсиз бўлади. У 7-8 ёшга келиб кўз соққасининг ўсиши ва тўла шаклланишидан кейин кўзнинг нур сингдириш қобилияти бир меъёрга келиши керак. Агар бола жисмоний жиҳатдан соғлом, унга мактабда ва уйда қулай шароитлар яратилган бўлса, у кўриш қобилиятини сақлаб қолади. Бироқ дарсхонаси яхши ёритилмаган бўлса, уйдаги жиҳозлар бола бўйига мос тушмаса, ўқиш ва ёзишда гавда нотўғри тутилса, меҳнат, дам олиш номутаносиб ташкил этилган бўлса, узоқни кўролмаслик, кўриш қобилиятининг пасайиши, ғилайлик ривожланиши мумкин.

Болалар ўқиётган ва ёзаётганда китоб ёки дафтарни кўзга яқин келтиришга ҳаракат қилишларига, узоққа қараганда кўзларининг қисилишига, кўраётган нарсаларига яқинроқ боришга интилишларига, тез чарчашлик, бош ва кўз аъзолари оғриётганлиги тўғрисидаги шикоятларига ота-оналар ҳушёр бўлишлари керак. Бундай болаларни тезда шифокорга кўрсатиш, мунтазам равишда кўзойнак тақишларини талаб этиш керак.

Чунки тўғри танланган кўзойнак бош оғриғини қолдиради, ғилайлик ҳамда бошқа оғир оқибатлардан сақлайди.

Келиб чиқишига кўра узоқни кўролмаслик, яъни миопия икки хил бўлади. Улардан бирининг вужудга келиши кўз аъзоларининг нур сингдириш қобилияти бузилиши билан боғлиқ. Миопиянинг иккинчи тури мактаб ёшидаги болалар ўртасида турли касалликлар ёки узоқ муддат дам олмасдан ётиб, хира ёруғликда ўқиш натижасида ҳосил бўлади. Бу борада 7-8 ёшдан 11-12 ёшгача бўлган давр, айниқса, хавфли ҳисобланади. Узоқни кўролмасликнинг вужудга келишининг олдини олиш учун бола ўқишга боришдан аввал ота-оналар уни шифокорга кўрсатишлари ва ҳар олти ойда ёки бир йилда кўзни текширтириб туришлари керак. Бунда бола дарс тайёрлаши учун махсус жой, унинг бўйига мос стол ва стуллар бўлиши шарт. Қулай вазиятда ўтириши, боланинг оёғи ерга, бели стулнинг суянчиғига тегиб туриши, гавдаси тик ҳолда сақланиши зарур. Дарс тайёрлайдиган жойда ёруғлик етарли тушиши, кўз билан дафтар ёки китобнинг оралиғи 25-30 сантиметрдан кам бўлмаслиги, китобнинг юқори қисми бироз кўтарилган вазиятда туриши лозим. 1-3-синф ўқувчилари 1,5-2 соат, юқори синф ўқувчилари 3-4 соатдан ортиқ дарс тайёрламасликлари зарур. Болаларга ётиб ўқишларига ижозат бермаслик керак. Телевизорни қўйганда 2-2,5 метр узоқда ўтиришига, хонанинг қоронғи бўлмаслигига эътибор бериш лозим.

Агар боланинг узоқни кўролмаслиги 3 диоптриягача бўлса, фақат узоқни кўриш учунгина кўзойнак тақиш, ўқиш ва ёзишда ундан фойдаланмаслик тавсия этилади. Агар бу миқдор 3 диоптриядан ортиқ бўлса болага узоқни ва яқинни (ўқиш, ёзиш) кўриш учун иккита кўзойнак ёзиб берилади. Кўз — дунёни кўриш, яшаш гўзаллигини тўлароқ идрок қилишга ёрдам берадиган бебаҳо бойликдир, шунинг учун ҳар бир ота-она ўз фарзандининг кўзини туғилган кунидан бошлаб эҳтиёт қилиши керак.

Муҳтабар ҲАМИДОВА,
*тиббиёт фанлари доктори, профессор.*

*Унутилаёзган таомлар*

## ҚУРУҚ ЮПҚА

Саломатликни ўйлаб, ким қайси таомни хоҳласа, ўшани истеъмол қилаверади. Буюк мутафаккир Алишер Навоий «Обрў тиласанг кўп дема, соғлиқ тиласанг кўп ема» деб бегард, бедард ҳаёт кечиришимизни ҳам ўйлаб айтганлар. Ёз бўйи турли таомларга ўрганиб, ёқимли ҳавода яйраган танимиз энди қиш фаслига келиб бироз нохушликни сезаверади. Пойтахтимизда ҳам шифокор, ҳам табиблиги билан танилган Алижон Тўхлиевни яхши билардим. У киши: «Фаслларга қараб тўғри кийининг, тўғри овқатланинг, вақтида тановул қилинг, вақтида ухланг, дам олинг, сиқилманг, яйраб юринг, саломатлик ва узоқ яшаш фақат ўз қўлингизда. Дорига суяниб қолманг, дори-дармонни таомлардан қидиринг» дер эдилар.

Халқимиз: «Ун уйнинг подшоси» деганида кўп маъно бор. Биргина дон-дун, шулардан тайёрланган ун билан бемалол яшашимиз мумкин экан. Болалигимда рўзғорда ун бўлмай қолса, оймиз шу ҳикматли гапни такрорлардилар. Шифобахш таомларимиздан бири бўлган қуруқ юпқа нафақат дармонсиз беморларга, балки ҳамма учун саломатликни яхшилайдиган таомлигини кўп марта кузатганман. Оймиз ош хамирни кичик-кичик зувалачаларга бўлиб, оштахтада жўва билан юпқа, пиёз пўсти ҳолига келгунича ейиб, тайёр бўлгач, қиздирилган чўян қозонда ёғсиз пиширардилар. Бир пишса бас, яна устма-уст бошқалари қўйилар, орқа-ўнги ағдарилиб турилса бўлгани, қуруқ юпқага лаган тўлиб-тошиб кетарди. Қуруқ юпқани оқчой, ширчой, тухум чойгами бўктириб ейилса, тана яйраб, киши дармонига дармон қўшарди. Хоҳлаганлар юпқанинг ўзини курсиллатиб еса ҳам фойдали. Тиш азият чекмайди. Айниқса тишлари энди чиқаётган болалар еса тишлари ҳам, милклари ҳам маҳкам бўларкан.

Таомларни истеъмол қилишда кўпинча киши мижозига қараб мижоз иссиқликни талаб қилса иссиқлигидан, совуқликни талаб этса совуқлигидан тавсия этилади. Бу ота-боболаримизнинг қадимий одатларидир. Қуруқ юпқа ошқозон азият чекмайдиган иссиқлик таом ҳисобланади. У дармон беришдан ташқари кайфиятни кўтарувчи таомлиги ҳақида кўп гаплар айтилган. Шунинг учун ётган беморларга кўпинча нон оғирлик қилади, деб то тузалгунча фақат ўтин-чўпларга яхшилаб пиширилган қуруқ юпқа буюрилган, уни куйдириб юбормаслик ёки хом бўлиб қолмаслиги қайта-қайта уқтириларди. Ёши улуғ, кўпни кўрган кишилар: «Қуруқ юпқа енгил, тез ҳазм бўладиган таом, наҳорда шакарли иссиқ чой билан ейилсин», дейишарди. Қиш кезларида тумов, томоқ оғриғига чалинганлар қуруқ юпқа еб тузалиб қолишарди.

Онамиз уй-рўзғор ишларида ниҳоятда пазанда бўлганлари учун дадамиз: «Қанақа овқат пиширсанг ўлик еса тириладия», деб мақтаб қўярдилар. Сабаби, ун бўлса бўлгани, у йўқ, бу йўқ демасдилар. Ҳозиргига ўхшаб тайёр маҳсулотлар бўлмасди. Тежамкорлик, қут-барака унда эканлигини ҳамма биларди. Уйимизда тез-тез қуруқ юпқани қилиб турилиши бизга ёқарди.

Қуруқ юпқа узоқ вақтга сақлаб қўйса ҳам эскириб қолмасди. Кимнингдир юмшоқ, ёғлиқ юпқа егиси келиб қолса, уни тайёрлаш қийин эмасди. Қуруқ юпқага пиёздоғ суртиб, тахлаб-тахлаб идишга қўйиб чиқилса бунисини ёғлиқ юпқа дейиларди. Ислом дини таомилига кўра халқимиз улуғ айём кунлари, хусусан Рамазон ойи рўзаси охирлари, ҳайит арафалари ва бошқа маросимларда албатта юпқа пиширишган. Вафот этган ота-боваларимиз руҳлари эсланган. Эндиликда бу таом турини кўп хонадон унутиб юборишгани афсусдан ҳоли эмас.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

*Хоҳ ишонинг, хоҳ...*

### ПУЛИНИ ТЎЛАБ, ДЎППОСЛАЙВЕРИНГ

Будапешт шаҳрида яшайдиган бир талаба «Калтакбоп бўлиш ниҳоятда сердаромад соҳа» деб тасдиқламоқда. Ҳатто у калтак ейишни ўзига иккинчи касб қилиб олган. Лекин исми-фамилиясини барчадан сир тутади. Сабаби давлатга солиқ тўлашдан қочади. Шу сабаб у ўзини шунчаки Йози деб атайди. Худди шу ном остида у ўзининг барча мижозларига танилган.

— Охирги марта менга севгилиси билан жанжаллашиб қолган гимназия талабаси пичоқ билан ҳужум қилди, — дейди Йози. — У бир урушда мени ерпарчин қилиб ташлади. Бу кўнгилхушлик учун у менга 5 минг форинт (50 доллар) тўлади. Ҳатто мени 10 минг форинтга отиб ташлашлари ҳам мумкин. Албатта ўқ пахтавон бўлади. Ростини айтсам, қўйнимга бекитиб қўйган елим пакет тўла қон уларнинг анча ҳовурини босади.

Йозини росманасига дўппослаганлари кўп бўлади. Шу сабаб у нарх-навони қатъий белгилаган: шапалоқ тортиб юбориш 600 форинт, қорнига тушириш 800 форинт, уриб дабдала қилиш 2,5 минг форинт. Бундан ташқари уни ҳақорат қилиш ҳам мумкин. Албатта бунинг ҳам ўз нархи бор. Сўкувчининг таъбига кўра 500 форинтгача тўласа маза қилиб дил ғуборини ёзиб олиши мумкин.

Одамлар нима қилиб бўлса ҳам пул топиш йўлига тушгани аниқ. Яқин келажакда барча пул тўлаб бир-бирини дўппослаб юрмасайди.

### ТАРЖИМАИ ҲОЛИНГИЗ ТАЙЁР

Одатда таржимаи ҳолни одамнинг ўзи ёзади. Чунки кимлигинг, қаерда туғилганлигинг, қайси оилада ўсганлигинг, қайси миллатга мансублигинг ўзингга яхши аён бўлади-да. Лекин француз Франк Ферран ва Тибо де Вильелар бажонидил одамларнинг таржимаи ҳолини ёзиб бериш мажбуриятини олишди. Иккалови Франция мудофаа вазирлиги тарихий-меъморий бошқармасида ишлаб, ўнлаб ҳисоботларни тайёрлашди. Қанчалаб уруш фахрийлари эсдаликларини чопга тайёрлашди. Шунда икковлон пул топишнинг яхши йўлини ўйлашди. Дастлаб ўзларининг шахсий «Кассиопея» нашриётларини очишди. Икки ишбилармоннинг тахмини тўғри чиқди. Ўзидан кейин ҳаётда из қолдиришни истаган одамлар жуда кўп экан. Афсуски улар ўз ҳаёт йўлларини қойилмақом қилиб ёзиб беролмайдилар. Ёзадиганлари эса саноқли. «Кассиопея»нинг ташкилотчилари 150 саҳифали таржимаи ҳолни 7 минг долларга ёзиб бериш ҳақида мижозларга хабар қилдилар. Улар дастлаб мижоз билан бир неча марта учрашадилар, суҳбатлашадилар, фотосуратларини оладилар. Икковлоннинг хизматидан генерал Шарль Де Голлнинг дўстларидан бири фойдаланди. Қолганлари оддий одамлар. Унчалик шуҳрат қозонишмаган. Франк ва Тибонинг нашриёти гуллаб-яшнаб кетмоқда. Улар яқинда иш фаолиятларини кенгайтириб, ташкилотлар, корхоналар, банклар, туманлар ва департаментларнинг таржимаи ҳолини ёзиш ниятидалар.

### ГИБРАЛТАР ОСТИДАН ЙЎЛ

Ла-Манш бўғози остидан ўтган ер ости йўли Европа билан Буюк Британияни боғлагани ҳақида кўпчилик билади.. Аср қурилиши деб номланган бу ғоятда ажойиб туннелни қурганларга офарин демай илож йўқ. Бироқ, ундан ҳам ғаройиб фикрни амалга оширишга бел боғлаганлар ҳам топилиб қолди. Аслида, Европа билан Африкани бир-бирига улашни қадимги даврдаёқ одамлар ўйлашган. Ҳар бир орзу ўзининг ижросини топар экан. Испаниялик ва мароккашлик лойиҳачи ташкилотлар Гибралтар бўғози устига кўприк қуриш фикридан воз кечиб, ер ости йўли яратишни ўйлаб қолдилар. Ер ости йўлининг узунлиги 38 километрни ташкил этади. Унинг 28 километри денгиз тубидан ўтади. Ер ости йўли поездлар юришига, автомобиллар қатновига мослашган. У 2005 йилга бориб фойдаланишга топширилади. Мабодо лойиҳачиларнинг фикри амалга ошса ер ости йўлидан йилига 10 миллион йўловчи, 3-5 миллион тонна юк ташилади, 1,5 минг дона автомобиль қатнайди.

Турғун МАҲКАМОВ
тайёрлади.

